

**«Тасдиқлайман»  
«Ўзтрансгаз» Акциядорлик компанияси  
Бошқарув раиси**



**ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ  
«ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ ИШЧИ ХОДИМЛАРИ ИСТЕЪМОЛ  
ҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИ  
ВА МАВЖУД ТЎЛОВЛАРНИ КЎРИШИ (1031 ТАРТИБИ)»**

**1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

**1.1. Хизмат ҳақида**

Корхоналар ходимлари коммунал тўловлардан бўлган қарздорлиги бўйича иш олиб боришни автоматлаштириш мақсадида “ЎЗТРАНСГАЗ” АК веб порталида, 1031 тартиб бўйича махсус модул ташкил қилинган. Модулда ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларининг табиий газдан қарздорлик ҳолати бўйича иш олиб борадилар. Хизматдан фойдаланиш бўйича йўриқнома қуйидаги силосада:

[http://old.uztransgaz.uz/sites/default/files/1031\\_boyicha\\_qollanma.pdf](http://old.uztransgaz.uz/sites/default/files/1031_boyicha_qollanma.pdf)

**1.2. Хизматнинг соҳага тегишлилиги**

Уй-жой ва коммунал хўжалиги

**1.3. Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси**

Юридик ва жисмоний шахслар

**1.4. Ташкилот**

"Ўзтрансгаз" АК

**1.5. Боғланиш**

Манзил: Тошкент шаҳри, 100031, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси 31а уй,

Метро: Космонавтлар

Автобус: 140

Телефон: +998 (71) 239-18-67, +998 (71) 150-31-14, +998 (71) 239 89 65

Веб-сайт: [uztransgaz.uz](http://uztransgaz.uz)

E-mail: [info@uztransgaz.uz](mailto:info@uztransgaz.uz)

## 2.ХУЖЖАТЛАР

### 2.1. Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар

Кўзда тутилмаган

### 2.2. Хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 1031 сонли Низом билан давлат рўйхатидан ўтказилган. - "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан уй-рўзғорда фойдаланиш қоидалари" Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997-йил 14-октябрда 370-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тўлиқ танишиш учун қуйидаги манзилга ўтинг: [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=800776](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=800776)

## 3. МУДДАТЛАР ВА ТЎЛОВ

### 3.1. Хизмат нархи ва тўлаш тартиби

Ташкилотлар томонидан ўз ишчи ходимлари истеъмол қилган табиий газ учун тўловларни амалга ошириши ва мавжуд тўловларни кўриши (1031 тартиб) - бепул.

### 3.2. Хизматни кўрсатиш муддати

Доимий онлайн

## 4. НАТИЖА

### 4.1. Натижани олиш усуллари

Онлайн тарзда.

### 4.2. Хизмат натижаси

1031 тартиб бўйича корхона(ташкилот) масъул ходими тизимга кириши учун шу корхона(ташкилот)нинг юқори корхона(ташкилот)и масъул ходими томонидан яратилган “Login”дан фойдаланган ҳолда тизимга кирилади.

“Ишчилар қарздорлиги билан ишлаш” модули ойнасида корхона номи, модул функциялари, қидирув панеллари, асосий жадвал, жадвал кўринишини таҳрирлаш панели ва пастки қисмда жойлаштирилган панелларда қарздорлар умумий маълумотларини чиқарилади.